

Bularga fizika, ximiya, matematika, fiziologiya, dene tárbiyası teoriiyası hám metodikası, jeńil atletika, sport metrologiyası, sport oýınları hám ekonomika pánleri kiredi. Sonday-aq, dástúr materialların túsindiriv processinde Ózbekstan Respublikası húkimet qararları hám hujjetleri menen keńnen tanıstırıp barıwdı talap etedi. Sabaqlıq lekciya, ámeliy, seminar, laboratoriyalıq jumıslar hám ózbetinshe tapsırmalar beriw formasında alıp barıladı. Lekciya sabaqlarında sport komplekslerin proektlestiriv hám qurıw tiykarları, sonday-aq dene tárbiyası hám dene mádeniyatı tarawı basshılarınıń pedagogikalıq jumıslarında orınlanıwı tiyis wazıypalardı belgilep beriwshi bilimler menen tolıqtıradı. Ámeliy hám óz betinshe tapsırmalar imkan dárejesinde kafedranıń tayanış bazalarında hám sport bazalarında alıp barıladı. Ámeliy sabaqta kafedrada islep shıǵılǵan tapsırmalar orınlanadı. Oqıtıw barısında talabalar zárúr texnikalıq, normativ hujjetler, ádebiyatlar hám basqa tiyisli úskeneler menen támiyinlenedi. Talabalar óz betinshe izleniwlerden tısqarı tayanış ádebiyatlar hám

metodikalıq kórsetpeler menen támiyinlenedi. Hár bir semestr juwmaǵında juwmaqlawshı qadaǵalaw túrleri ótkeriledi. Oqıtıw dawamında kúndelikli hám aralıq bahalaw túrleri arqalı ózlestirilgen bilimler tekserilip barıladı [2].

Fizikalıq háreketlerdiń yamasa fizikalıq júklemelerdiń kem yaki kópigin, sport shınıǵıwlarınń qay dárejede alıp barılıwı hám insan organizmine tásirin anıq bilmey turıp, kútilgen nátiygege erise almaytuǵınlıǵın biliwimiz tiyis. Solay eken, dene tárbiya institutları talabaları, dene tárbiyası oqıtıwshıları, trener-oqıtıwshılar gigiena tiykarların tolıq biliwleri tiyis, sebebi fizikalıq shınıǵıwlardı durıs shólkemlestiriv, júklemelerdi durıs bólistiriv, sport shınıǵıwların texnikalıq jaqtan durıs támiyinlew hám sportshılardıń racional awqatlanıwların ámelge asırıwda zárúr bolıp tabıladı. Gigiena qaǵıydaların hám normaların jaqsı bilmesten turıp, dene tárbiya hám sportta shuǵıllanıwshılardıń den sawlıǵın saqlaw hám bekkemlewdе hám sportta joqarı nátiyjelerge erisip bolmaydı.

Ádebiyatlar

1. Румянцева Г.И. Гигиена: Учебник. - М.: 2001.
2. Dillon, Kathleen M. and Tait, Jennifer L. (2000). Spirituality and being in the zone in team sports: A relationship? Journal of Sport Behavior, 23, 91-100.
3. Cashmore E. SPORT AND EXERCISE PSYCHOLOGY The Key Concepts Second Edition Ellis Cashmore First published 2002 This edition published. 2008.
4. Utepbergenov A.K. The Concept of The Management of Body Functions and Their Properties. Organism and environment e-ISSN: 2615-8159p-ISSN: 2615-1898 Volume: 03 Issue: 2 March-April 2021.
5. Утепбергенов А. К. – Общие физиологические принципы физического образования и спорта Европейский журнал молекулярной и клинической медицины. 2366-2371. 2020.

REZYUME

Hozirgi waqtda gigenaning roli dolzarbligicha qolmoqda. Gigiena sohasida jismoniy tarbiya va sportga qo'yiladigan talablar, jismoniy faollik darajasi va jismoniy faollik dozalar standartlari, shuningdek gigiena standartlari, sportchilar va maktab o'quvchilarining sog'lig'ini saqlashga qaratilgan chora-tadbirlar qoidalarini bilmasdan, bu mumkin emas. Gigiena tibbiyot fanining bir tarmog'i sifatida alohida tarmoqlardan iborat: atrof-muhit gigiyenasi, oziq-ovqat gigiyenasi, bolalar va o'smirlar gigiyenasi, mehnat salomatligi, radiatsiya gigiyenasi, harbiy gigiena, ijtimoiy gigiena, jismoniy tarbiya va sport gigiyenasi.

РЕЗЮМЕ

В настоящее время роль гигиены остаётся актуальной. Без знаний в области гигиены требованиям к занятиям физической культурой и спортом, нормативов уровня двигательной активности и дозирование физических нагрузок, а так же гигиенических норм, правил мероприятий направленных на сохранение здоровья спортсменов и школьников обходится не возможно. Гигиена, как отрасль медицинской науки, состоит из отдельных отраслей: гигиены окружающей среды, гигиены питания, гигиены детей и подростков, гигиены труда, радиационной гигиены, военной гигиены, социальной гигиены, гигиены физической культуры и спорта.

SUMMARY

Currently, the role of hygiene remains relevant. Without knowledge in the field of hygiene, the requirements for physical culture and sports, the standards for the level of physical activity and the dosage of physical activity, as well as hygiene standards, rules for measures aimed at maintaining the health of athletes and schoolchildren, it is not possible. Hygiene, as a branch of medical science, consists of separate branches: environmental hygiene, food hygiene, hygiene of children and adolescents, occupational health, radiation hygiene, military hygiene, social hygiene, hygiene of physical culture and sports.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ш.Х.Ўктамова – стажёр-тадқиқотчи

Бухоро муҳандислик-технология институти

Таянч сўзлар: илмий-тадқиқот компетенцияси, техника олий таълим муассасалари, талабалар, педагогик шартлар, таълим.

Ключевые слова: исследовательская компетентность, технические высшие учебные заведения, студенты, педагогические условия, образование.

Key words: research competence, technical higher education institutions, students, pedagogical staff, education.

Илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши бугунги замон талаблари асосида таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида олий таълимда илғор инновациялар ва амалий ишланмаларни кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёўлажак мутахассисларнинг муаммоларни қиёсий таққослаш, танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўқитиш методларининг оптимал вариантларини танлаш асосида тадқиқотли компетенциясини ривожлантириш орқали уларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш заруратини такозо этмоқда.

Рақамли усул ва технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш шароитида Бухоро вилояти иқтисодиётини инновацион ривожлантириш стратегияси шахсининг билим ва кўникмаларидан самарали фойдаланиш имконини берадиган инсон салоҳиятининг интеллектуал таркибий қисмига асосланиши лозим. Аҳоли турмуш даражасини ошириш

мақсадида Бухоро вилояти корхоналарини кадрлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда вилоятнинг етакчи олий ўқув юрти Бухоро муҳандислик-технология институти муҳим ўрин эгаллайди. Институтда илмий-тадқиқот фаолияти минтақани ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисмидир. Бугунги кунда вилоят корхона ва ташкилотларида мутахассисларнинг касбий муҳим фазилатлари каторида рақобатбардош маҳсулотлар яратиш имконини берувчи технологиялар, материаллар ва механизмларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш қобилияти мавжуд. Шу муносабат билан техника олий ўқув юрти битирувчиларининг илмий-тадқиқот малакасини шакллантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари, педагогик шартларини аниқлаш долзарбдир [1:30].

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, унда "тадқиқотли компетенция" тушунчасининг турли талкинлари мавжуд. Аксарият муаллифлар фаолият концепциясидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотли компетенция қисман очиб берган. Баъзи олимлар тадқиқотли компетенцияни асосийларидан бири сифатида изоҳлайдилар. Яна баъзи олимлар эса - "тадқиқот" тушунчасини тадқиқот қобилияти сифатида изоҳлаб, инсоннинг тадқиқот ўтказишга тайёрлиги сифатида белгилайдилар. Биз ўз тадқиқотимизда компьютерлаштирилган тизимлар ва юқори ишлаб чиқариш технологиялари асосий бўлган замонавий бозор иқтисодиёти шароитида техника олий ўқув юрти талабалари, яъни бўлажак мутахассисларни тез қарор қабул қила олиши ва талабларга жавоб бера олиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда олиб бораёмиз. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар инobatга олган ҳолда ўз ресурсларини самарали тақсимлаш ва беқарорлик шароитида профессионал вазифаларни бажаришга тайёр бўлиш, технология, маҳсулот ёки хизматга бўлган эҳтиёжни башорат қила олиш муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, тадқиқотли компетенция инсоннинг касбий фаолияти жараёнида тадқиқот олиб боришга ва юқори даражадаги ноаниқликни ўз ичига олган мураккаб ишлаб чиқариш шароитларида юзага келган муаммони тушунишга тайёрлигини белгилайди [2:4].

Ўтказилаётган тадқиқотлар техника олий таълим талабаларининг тадқиқотли компетенциясини ривожлантиришнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга имкон берди. Мезонлари қуйидагича тавсифланади:

- **Мотивацион мезон:** - келажакдаги касбга муносабат, касбий функцияларни самарали амалга ошириш учун номаълум натижага эга муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий характердаги тадқиқот фаолиятининг аҳамияти ва талабини тушуниш;

- жараён ёки ҳодисани ўрганиш учун тадқиқотга қизиқиш;

- билимга бўлган эҳтиёж ва ижодий тадқиқот кўникмаларини эгаллаш;

- **Когнитив мезон:** - тадқиқот фаолиятини тўғри йўналишга йўналтирувчи ишончли восита эканлигини тушуниш;

- муаммони ҳал қилишда ҳаракатларни танлашни ўрганиш ва қобилиятлардан фойдаланиш;

- институтда олиб бориладиган илмий тадқиқотларда иштирок этиш;

- **Рефлексив-фаоллик мезони:** ўрганилаётган муаммони самарали ҳал қилиш ва билим, кўникма ва малакаларни келажакдаги касбий фаолиятда онгли равишда қўллаш, касбий фаолиятда ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот усулларида тез ва самарали танлаш қобилиятини назарда тутати.

Танланган мезонлар асосида шуни кўришимиз мумкинки, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж бизга тадқиқот малакаси кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни асослаш имконини беради [3:4].

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш йўли орқали тадқиқот мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим тизимининг минтақавий иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларига таъсир қилиш қобилиятини қисман ифодалайлик. Институт педагог-ҳодимлари ва талабалари томонидан чоп этилган мақолалар сони дунёнинг энг яхши институтлари рейтингини шакллантириш параметрларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, биз таълим ташкилотининг илмий ишланмалари, мақола, электрон дарсликларини умумий сони сифатида тушунамиз. Бух МТИ профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрантлари ва докторантларининг нашрлари натижаларидан тайёргарлик жараёнида фойдаланилади. Институт фаолияти унумдорлиги илмий ва ўқув маҳсулотларининг ҳажми, услубий, илмий ишлар

ва нашрлар сони, битирувчилар сони билан миқдорий жиҳатдан ўлчанади. Худуднинг иқтисодий фаолияти натижаларини тавсифлаш учун ялпи худудий маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланилади.

Институт самарадорлигини ошириш ялпи худудий маҳсулотга киритилиши мумкин. Саноат корхоналари ва институт илмий жамоаларининг техник фикри билан ўзаро таъсири натижасида инновацион ишланмалар кузатиш натижасида вилоятни ривожлантириш учун инновацияга йўналтирилган ривожланишни рағбатлантириш зарур. Бунда саноат ва турли соҳаларда қўлланилиши мумкин бўлган илгор ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш лозим. Амалдаги илгор ишлаб чиқариш технологиялари сони тўғрисидаги маълумотлар интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш фаоллигини ошириш сифатида қабул қилинади. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш амалий тадқиқотлар учун ички жорий харажатларсиз амалга ошириш мумкин эмас [5:4].

Институт битирувчиларининг илмий-тадқиқот компетенциясини шакллантириш учун таълим муҳити самарадорлигини ошириш асосий омил ҳисобланиб, ўқув жараёнини ташкил этишда қуйидаги педагогик шарт-шароитларни яратиш зарур:

- таълим мазмунини талабаларнинг илмий-тадқиқот компетенциясини ривожлантиришга йўналтириш, унга худудий муаммолардан, Бухоро вилояти корхоналарининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кейс ва тадқиқот муаммоларини ечиш, кейинчалик касбий фаолиятда акс эттиришни ўргатиш;

- ўқув жараёнига илмий тадқиқот элементларини киритиш: дарсда талабалар дунёқарабини ривожлантириш ва услубий жиҳатларда назарий таҳлил қилиш, мақсадларни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш, танланган муаммони ҳал қилишнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш зарур бўлган вазифалардан фойдаланиш, муаммоларни ҳал қилиш, тажриба ўтказиш ва унинг маълумотларини қайта ишлаш усули;

- талабаларга ўз билимларини бошқариш, билимлардан келажакдаги касбий фаолиятида фойдаланиш имконияти ва зарурлигини кўриш, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ва жойлашувидан катъий назар, таълим дастурларини қабул қилиш имконини берадиган институтнинг ахборот таълим муҳитидан фойдаланиш;

- фанлараро лойиҳа жамоаларида фаол иштирок этиш имконини берувчи индивидуал таълим дастурини амалга ошириш имкониятларини яратиш ва бу орқали мураккаб тадқиқот муаммоларини ҳал қилишда тажриба орттиришга ёрдам беради;

- тадқиқот муҳитини шакллантириш ва ундан мустақил ишларни ташкил этишда фойдаланиш орқали талабаларга билим олиш зарурлигини англаш имконини беради. Муаммоларни ҳал қилишда тадқиқотли компетенцияни шакллантириш орқали мустақил равишда талабалар ҳар қандай вазиятда муаммо ечимини топишга ҳаракат қилишади. Олий таълим муассасалари, республика миқёсида ва халқаро илмий конференцияларда талабалар иштирокини ошириш, танловлар ва фан олимпиадаларида қатнашишларига янада туртки бўлиш орқали ҳам тадқиқотли компетенцияни янада ривожлантириш мумкин.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимиз қуйидаги натижаларга эришишга имкон берди. Биринчидан, техника олий таълим муассасалари талабалари учун "тадқиқотли компетенция" тушунчасига аниқлик киритилди ва уни шакллантириш мезонлари (мотивацион, когнитив, рефлексив-фаоллик) аниқланди. Иккинчидан, тадқиқот малакасининг статистик кўрсаткичлари аниқланди ва асосланди. Учинчидан,

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари алоҳида таъкидланган бўлиб, улар мазкур компетенцияни самарали шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим

муассасани ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда вилоят корхоналарини замонавий мутахассислар билан таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Асқаров И.Б. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш методикаси. // Методик қўлланма. –Тошкент: “GOLD PRINT NASHR”. 2018. 80-б.
2. Urinov U.A. Organizational structure of relations between technical higher education institutions and industrial enterprises and students. Current research journal of pedagogics. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crip-02-12-11>.
3. Urinov U.A. Social psychological priorities of social cooperation. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 2, 2020 Part II ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page 62 www.idpublications.org.
4. Urinov U. "Status and problems of cooperation with higher educational enterprise enterprises", International Journal of Psychosocial Rehabilitation, vol. 24, no. 8, pp. 5277-5282, 2020. ISSN: 1475-7192.
5. Urinov U. Organization Of Production Training And Formation Of Practical Skills. European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 07, 2020.

РЕЗЮМЕ

Ўтказилган назарий таҳлил–техника олий таълим муассасалари талабаларининг тадқиқотли компетенциясини ривожлантириш мезонларини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Мақолада ўқув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шартлари шакллантирилганлиги келтирилган бўлиб, унга кўра битирувчиларнинг илмий-тадқиқот компетенциясини ривожлантириш институтнинг таълим муҳити самарадорлигини оширилишига хизмат қилиши таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

Проведенный теоретический анализ позволяет выделить критерии развития исследовательской компетентности студентов технических высших учебных заведений. В статье утверждается, что формируются педагогические условия организации образовательного процесса, согласно которым развитие исследовательской компетентности выпускников послужит повышению эффективности образовательной среды института.

SUMMARY

The conducted theoretical analysis allows to distinguish the criteria for the development of research competence of students at technical higher education institutions. The article states that the pedagogical conditions for the organization of the educational process have been formed, according to which the development of research competence of graduates will serve to increase the effectiveness of the educational environment of the institute.

ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ-АМАЛИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Ш.А.Шаймарданов – катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: ўқув дарслар, факультатив дарслар, касбий-амалий жисмоний тайёргарлик, назорат тестлари, корреляцион таҳлил, ҳаракат тайёргарлиги даражаси.

Ключевые слова: учебные занятия, факультативные занятия, профессионально-прикладная физическая подготовка, физическое воспитание, контрольные тесты, корреляционный анализ, уровень двигательной подготовленности.

Key words: training sessions, elective classes, professionally applied physical training, physical education, control tests, correlation analysis, level of motor readiness.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ҳаракат сифатларини такомиллаштириш ва организмнинг функционал имкониятларини ошириш мақсадида қўлланиладиган хилма-хил жисмоний тайёргарлик воситалари ва услублари орасида амалий гимнастика муҳим роль ўйнайди. Замонавий спорт амалиётида амалий гимнастика мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ундан фойдаланилади [1, 4].

Агар инсон касбига объектив талаблар маълум бўлса, демак ҳар қандай касбий-амалий жисмоний тайёргарлик турлари вазибалари ва мазмунни аниқлаш мумкин. Бироқ жисмоний тарбия ва спорт назариясининг етакчи мутахассислари касбий-амалий жисмоний тайёргарлик (КАЖТ) технологиялари ва талабаларнинг келгуси касбий фаолиятини инobatта олган ҳолда барқарор ҳаракат кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар ва тавсиялар етарли эмаслигини таъкидлайдилар, бу эса ўз навбатида ўқув жараёнини аҳамиятли даражада қийинлаштиради [2, 3].

Ушбу муаммони назарий асослашга қўшилган ҳолда халқ хўжалигининг турли соҳаларига келгуси мутахассисларни тайёрлаш жараёнида илмий ва услубий асосланган жисмоний тарбия ва спорт воситаларини кенг фойдаланиш айни вақтда долзарблашиб бормоқда. Шунинг учун илмий-техник - таракқиёт талаблари, меҳнат ва ҳаёт шароитларига жавоб берадиган янги илмий асосланган жисмоний тарбия шакллари, воситалари ва услубларини излаб

топиш, жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида энг муҳим ва долзарб вазибалар ҳисобланади [3,5,7,9].

Тадқиқотнинг мақсади – танланган ихтисосликнинг ўзига ҳос хусусиятларини инobatта олган ҳолда талабаларнинг касбий амалий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш.

Тадқиқот вазибаси: Ишлаб чиқилган ихтисослашган олий ўқув юртлари талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини босқичма-босқич шакллантириш дастурини тажрибада асослаш.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Тажрибада иштирок этаётган педагогика институтларининг синалувчилари утидан олиб борилган дастлабки кузатув материаллари ҳамда морфофункционал ва жисмоний тайёргарлик кўрастқичларининг қиёсий таҳлил натижалари ўқув йили бошида аҳамиятли фарқланишга эга бўлмади ва ушбу ёш гуруҳи учун ЖДПИ талабаларининг антропометрик кўрастқичларида аҳамиясиз ($P>0,05$) устунлик билан ўртачадан паст даража аниқланди.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, бир қатор муаллифларнинг (2,5,7,9) илмий асосланган тавсияларига таяниб, ҳамда талабаларни дастлабки ҳаракат тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ЖДПИ тажриба гуруҳи талабалари учун биринчи босқич семестрлари ва факультатив машғулотлар бўйича расмий тасдиқланган соатлар тўри доирасида соатларга ўзгартиришлар киритилди.